

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01-РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ**

ОМОНОВА НАРГИЗА МАХМУДЖОНОВНА

**ПОМИДОР ЎСИМЛИГИНИНГ ЗАМБУРУҒЛАР ҚЎЗГАТАДИГАН
КАСАЛЛИКЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.09–Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН–2021

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation's abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Омонова Наргиза Махмуджоновна

Помидор ўсимлигининг замбуруғлар кўзғатадиган касалликлари ва уларга қарши кураш чораларини такомиллаштириш.....3

Омонова Наргиза Махмуджоновна

Грибные болезни томата и усовершенствование мер борьбы с ними.....19

Omonova Nargiza Maxmudjonovna

Fungal diseases of tomato and improving their control measures.....35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....39

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01-РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ**

ОМОНОВА НАРГИЗА МАХМУДЖОНОВНА

**ПОМИДОР ЎСИМЛИГИНИНГ ЗАМБУРУҒЛАР ҚЎЗГАТАДИГАН
КАСАЛЛИКЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.09–Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Qx719 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.andqxai.uz;) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бойжигитов Фозил Мухаммадиевич,
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Холмуродов Эркин Авазович,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Рахматов Асрор Ахрорович
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти

Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар инситути хузуридаги PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «23» 11 соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170600 Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Олийгоҳ кўчаси 1-уй. Тел.: (+99874) 373-10-54; факс: (+99874) 373-13-63; e-mail: agai_info@edu.uz; Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар инситути Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Фалсафа доктори (PhD) диссертация билан Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар инситутининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 9 -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170600, Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Олийгоҳ кўчаси 1-уй, Ахборот-ресурс маркази биноси.Тел.: (+99874) 373-10-54).

Диссертация автореферати 2021 йил «10» 11 куни тарқатилди.

(2021 йил «10» 11 даги 09-рақамли реестр баённомаси).



А.Исашов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.

С.О.Абдурахмонов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.д., профессор в.б.

Ж.С.Комилов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.н. доцент.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё аҳоли сонининг ўсиши ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг йилдан-йилга ортиб бориши, қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларини янада кенгайтириш ва юқори сифатли маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлашни тақозо этмоқда. “Дунё бўйича бугунги кунда 5,6 млн. гектар майдонда помидор етиштирилиб, ялпи ҳосил 281,5 млн. тоннани ташкил этади”¹. Республикамизда эса жорий йилда жами 75,5 минг гектар майдонда помидор етиштирилиб, шундан 1,8 млн. тонна маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган

Жаҳонда помидор етиштириш ва экспорт қилишда АҚШ, Россия, Туркия ва Франция давлатлари етакчи ўринларни эгалласа, Осиё қитъасидан Хитой, Ҳиндистон ва Ўзбекистон Республикаси юқори натижаларга эришмоқда. “Айни пайтда помидорнинг асосий ва энг хавфли касалликларидан бири – фитофтороз – кенг тарқалган йиллари унга қарши кураш тадбирлари қўлланилмаганда 80% дан ортиқ, баъзан 100% гача ҳосил нобуд бўлишига олиб келади. Бу касаллик помидорнинг барча вегетатив ва генератив органларини зарарлайди”². Дунёнинг барча худудларида помидор етиштириш, ҳосилдорликни ошириш, мева сифатини яхшилашда фитофтороз, фузариоз ва альтернариоз каби касалликларнинг кўзгатувчиларини, биоэкологик хусусиятларини ўрганиш ва уларга қарши кураш чораларини такомиллаштириш каби устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб бориш бугунги кунда долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикада сабзаот экинлари орасида помидор майдонларини кенгайтириш ва экиннинг ҳосилдорлигини оширишда уларда учрайдиган замбуруғлар кўзгатадиган касалликларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармонининг 3.3 бандида «...қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга сабзаот ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини экиш, касалликларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекцион навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш» муҳим стратегик вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 майдаги ПҚ-4709-сон «Республика худудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридаги қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш,

¹<http://www.fao.org/faostat>

²Поликсенова В.Д. Ретроспективный обзор болезней томата в Беларуси и перспективы развития фитопатологической ситуации. - Минск, 2001.

туманлар ҳудудларининг тупроқ-иқлим шароитларига мос сабзавотчилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштириш орқали ички ва ташқи бозор талабларига жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш ҳамда илм-фан янгиликларини кенг жорий этиш ва маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишда ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Помидор ўсимлигида учрайдиган замбуруғлар кўзгатадиган касалликларни ўрганиш ва уларга қарши кураш чораларини такомиллаштириш бўйича хорижий давлатларда Аҳатов А.К., Поликсенова В.Д., Ганнибал Ф.Б., Bhat N.A., Rather R.A., Nisar M.U., Wani T.A., Datar V.V., Mayee C.D., Allen T.W., Enebak S.A., Carey W.A., Amini J., Sudhamoy M., Nitupama M., Adinpunya M., Ўзбекистонда Б.Ҳасанов, А.Марупов, А.Шералиев, Э.Холмуродов, М.Холдорев, А.Мамбетназаров, А.Раҳматов, Ф.Бойжигитов ва Д.Зупарова каби бир қанча олимларнинг илмий мақолалари мавжуд.

Шунга қарамай республикамизда помидор ўсимлигида учрайдиган касалликларни ўрганиш ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар етарли даражада олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим даргоҳи - илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон қишлоқ хўжалик институти “Фитопатология ва агробиотехнология” кафедрасининг 2017-йил 24-августдаги 1-сонли йиғилиш баённомаси билан тасдиқланиб, илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган “Ўсимликларни касалликлардан ҳимоя қилиш усулларини ишлаб чиқиш” мавзуси доирасида бажарилган (2017-2019 й.й.).

Тадқиқотнинг мақсади Андижон вилояти шароитида помидор ўсимлигида касаллик кўзгатувчи замбуруғларнинг тур таркиби, ривожланиши ва биоэкологик хусусиятларини ўрганиш асосида уларга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

помидорда учрайдиган фитофтороз, фузариоз ва альтернариоз касалликларининг тарқалиши, ривожланиши ва зарарини мониторинг қилиш; лаборатория шароитида касаллик кўзгатувчи замбуруғларни ажратиб олиш ва уларнинг айрим биоэкологик хусусиятларини ўрганиш;

районлаштирилган помидор нав ва дурагайларининг касалликларга чидамлилигини аниқлаш;

помидорда учрайдиган фитофтороз, фузариоз ва альтернариоз касалликларини кўзгатувчи замбуруғларнинг тур таркибини аниқлаш;

касаллик кўзгатувчи патогенларга қарши фунгицидларнинг таъсирини лаборатория шароитида аниқлаш;

фитофтороз, фузариоз ва альтернариоз касалликларига қарши кимёвий курашда турли фунгицидларни қўллашнинг мақбул сарф-меъёри ва муддатларини белгилаш;

касалликларга қарши қўлланилган фунгицидларнинг биологик ва иқтисодий самарадорликларини аниқлаш, юқори самарали препаратларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Андижон вилояти шароитида фермер хўжаликларига экилган помидор, ўсимлик, туманлаштирилган навлар, фитофтороз, фузариоз ва альтернариоз касалликлари ҳамда касаллик кўзгатувчи патогенлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб Андижон вилоятида помидор касалликлари ташхисларининг таснифи, аниқланган замбуруғ турлари ва помидор касалликларига қарши кураш тадбирлари ҳамда қўлланилган фунгицидлар иқтисодий самарадорлиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар микология ва қишлоқ хўжалиги фитопатологиясида умумқабул қилинган усуллар асосида бажарилиб, помидорда касалликларни кўзгатувчи замбуруғларнинг тур таркиби, биоэкологик хусусиятларини Н.М.Пидопличко, М.К.Хохряков ва бошқалар; касалликларни кўзгатувчи замбуруғларга қарши турли фунгицидларнинг таъсирини Д.М.Кохобидзе; касалликлар билан зарарланиш ва касалликнинг ривожланиши И.И.Минкевич, Sokhi S.S, Meya A.I, Mabbett T.H ва А.Е.Чумаков; касалликларга қарши фунгицидларни қўллаш, биологик ва иқтисодий самарадорликларини аниқлашда Ш.Т.Хўжаев услубий қўлланмаларидан фойдаланилган ҳамда маълумотлар Б.А.Доспехов услуби бўйича дисперсион таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор помидорда учрайдиган касалликларни кўзгатувчи *Phytophthora infestans*, *Fusarium oxysporum* f.sp. *lycopersici* ва *Alternaria solani* турлари лаборатория шароитида тоза муҳитга ажратиб олиниб, уларнинг тур таркиби, биоэкологик хусусиятлари ва ривожланиши аниқланган;

касалликларни кўзгатувчи *P. infestans* (15-25°C), *F. oxysporum* f.sp. *lycopersici* ва *A. solani* (20-25°C) замбуруғлари спораларининг ўсиши ва ривожланиши учун қулай ҳароратлар аниқланган;

касалланган ўсимлик аъзолари 20 см тупроқ остида 100 кун муддатгача сақланганда ҳам *P. infestans* ва *F. oxysporum* f.sp. *lycopersici* замбуруғларнинг ривожланиши (яшовчанлигини сақлаши) исботланган;

лаборатория шароитида фитофтороз, фузариоз ва альтернариоз касалликларини кўзгатувчи замбуруғларга қарши фунгицидлар орасида манкоцеб+металаксил (0,4 фоизли эритма), цимоксанил+мис хлороксида (0,3 фоизли), беномил (0,3 фоизли) ва азоксистробин (0,1 фоизли) энг юқори

самаара кўрсатган ва *P. infestans*, *F. oxysporum* f.sp. *lycopersici* ва *A. solani* турлари ўсишини тўла тўхтатиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Помидор ўсимлигида учрайдиган фитофтороз, фузариоз ва альтернариоз касалликларининг тарқалиши, ривожланиши ва зарари аниқланган. Бунда фитофтороз касаллигининг тарқалиши 21,0% дан 57,9% гача, фузариоз 5,7% дан 7,3% гача ва альтернариоз 10,4% дан 24,0% гачани ташкил этган.

Помидорда замбуруғлар кўзғатадиган касалликларга қарши турли фунгицидларнинг оптимал сарф-меъёри ва муддати белгиланди. Бунда помидор ўсимлигининг касалликларига қарши Гурзат н.кук. (3,0 кг/га), Фундазол 50% н.кук. (3,0 кг/га), Ридомил Голд МЦ 68% с.д.г. (2,5 кг/га), Фунгоцеб Плюс 68% с.д.г. (2,5 кг/га), Превикур SL 722 с.э.к. (1,5 л/га), Шавит Ф 72% с.э.г. (2,5 кг/га), Браво 50% сус.к. (3,0 л/га), Акробат МЦ 690 г/кг с.д.г. (2,5 кг/га) ва Квадрис 25% сус.к. (0,6 л/га) фунгицидлари ишчи эритмаларини помидорнинг ўсув даврида касаллик белгилари пайдо бўлганда қўллаш тавсия этилган.

Помидорда замбуруғлар кўзғатадиган касалликларга қарши қўлланилган фунгицидларнинг биологик ва иқтисодий самарадорликлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий изланишлар ўсимликларни химоя қилишда умумқабул қилинган замонавий усуллар ва воситалар асосида бажарилганлиги, хорижий ва маҳаллий давлатлар илмий-тадқиқотлари билан солиштирилганлиги, олинган натижалар назарий, илмий ва амалий жиҳатдан бир-бирига мослиги, дисперсион таҳлил қилинганлиги, тадқиқот натижалари асосида тайёрланган ҳисоботлар илмий кенгашларда муҳокама этилиб, соҳа мутахассислари томонидан ижобий баҳоланганлиги, тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга татбиқ этилганлиги, олинган натижалар республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда ҳамда республика ва халқаро илмий нашрларида чоп этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти помидор ўсимлигида касаллик кўзғатувчи *P. infestans*, *F. oxysporum* f.sp. *lycopersici* ва *A. solani* замбуруғлари лаборатория шароитида тоза муҳитга ажратиб олиниб, уларнинг тур таркиби, айрим биологик хусусиятлари, ривожланиши ва ҳаётчанлиги ҳамда ушбу замбуруғларга қарши турли фунгицидларнинг таъсири аниқланган, шунингдек, помидорда замбуруғлар кўзғатадиган касалликларнинг тарқалиши ва ривожланиши ҳамда помидорнинг районлаштирилган нав ва дурагайлари касалликларга чидамлилиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти помидорда замбуруғлар кўзғатадиган касалликларга қарши кимёвий курашда Гурзат н.кук., Фундазол 50% н.кук., Ридомил Голд МЦ 68% с.д.г., Фунгоцеб Плюс 68% с.д.г., Превикур SL, 722 с.э.к., Шавит Ф 72% с.э.г., Браво 50% сус.к., Акробат МЦ 690 г/кг с.д.г. ва Квадрис 25% сус.к. фунгицидлари навбатма-навбат

кўлланилганда уларга қарши юқори самара бериши исботланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Андижон вилояти шароитида помидорнинг нав ва дурагайларида замбуруғлар кўзгатадиган касалликларнинг тарқалиши, ривожланиши ва зарари ҳамда қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижалари асосида:

помидор ўсимлигида касаллик кўзгатувчи *Phytophthora infestans*, *Fusarium oxysporum* f.sp. *lycopersici* ва *Alternaria solani* турлари соф культурага ажратилган ҳамда уларнинг штаммлари Жаҳон микроорганизмлар маълумотлар марказининг Патоген Микроорганизмлар Миллий коллекцияси маълумотлар базасига №1228-рақам билан рўйхатдан ўтказилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2020 йил 9 июлдаги 4/1255-1427-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу маълумотлардан дунёнинг турли минтақаларида тарқалган помидорда фитофтороз касаллигини кўзгатувчи *Phytophthora infestans*, фузариоз касаллигини кўзгатувчи *Fusarium oxysporum* f.sp. *lycopersici* ва альтернариоз касаллигини кўзгатувчи *Alternaria solani* замбуруғ турларини тадқиқ қилишда глобал доирада фойдаланилмоқда;

помидорнинг замбуруғлар кўзгатадиган фитофтороз ва альтернариоз касалликларига қарши Превикур SL (1,5 л/га), Гурзат н.кук. (3 кг/га), Фунгоцеб Плюс 68% с.д.г. (2,5 кг/га), Шавит Ф 72% с.э.г. (2,5 кг/га), Браво 50% сус.к. (3,0 л/га) ва Квадрис эм.к. (0,6 л/га) фунгицидларини қўллаш бўйича ишлаб чиқилган регламент Андижон вилояти Асака ва Балиқчи туманлари кўп тармоқли фермер хўжаликларида жами 108,5 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 19 майдаги 02/025-1435-сон маълумотномаси). Натижада, юқори самарали ушбу фунгицидларни қўллаш ҳисобига назорат вариантга нисбатан кимёвий ишлов ўтказилган вариантларда бир гектар помидор экилган майдонда 154-239 центнергача ҳосил касалликлардан сақлаб қолинган ва фунгицидларнинг биологик самарадорлиги 85,0-92,6% ни ташкил этган;

замбуруғлар кўзгатадиган помидорнинг фузариоз касаллигига қарши Ридомил Голд МЦ 68% с.д.г. (2,5 кг/га) ва Фундазол 50% н.кук. (2,0-3,0 кг/га) фунгицидларини қўллаш бўйича ишлаб чиқилган регламент Андижон вилояти Андижон туманида кўп тармоқли фермер хўжаликларида жами 16,2 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 19 майдаги 02/025-1435-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида бир гектар майдондан 199-250 центнергача ҳосил сақлаб қолинган, иқтисодий самарадорлик 37,4-50,0 млн. сўмни ташкил этган ва сарфланган 1 сўм маблағ 4,5 мартагача қайтарилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва лаборатория шароитида олиб борилган тажрибалар ҳар йили ЎзҚХИИЧМ ва АндҚХАИ томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланиб, ҳисоботлар институтнинг илмий кенгашида муҳокама қилинган

хамда ишнинг асосий илмий натижалари 4 та, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда ҳамда 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 104 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар таракқиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, дунёдаги етакчи олимларнинг илмий ишларининг натижалари, помидор касалликларининг ўрганилганлик даражаси, тарқалиши, зарари, қўзғатувчилари ва уларнинг ривожланишига таъсир қилувчи омиллар ҳамда бу касалликларга қарши кураш чоралари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотларни ўтказиш шароити ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жой, унинг материаллари ва усуллари бўйича маълумотлар берилган.

Дала тажрибалари 2016-2019 йилларда Андижон вилоятининг Андижон, Асака ва Балиқчи туманларида ҳамда лаборатория ишлари Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти ва Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти лабораториясида олиб борилган.

Помидорда учрайдиган замбуруғлар қўзғатадиган касалликларга қарши синалаётган ҳар бир фунгицид 3 қайтарилишда, 100 тадан ўсимликларда қўлланилди. Кимёвий ишлов вегетация давомида 3 марта; ўсимликларда касаллик белгилари пайдо бўлганда, 1 ва 2 - кимёвий ишловдан 14 кундан кейин 600 л/га ишчи эритма ҳисобида ўтказилган.

Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотларнинг вариацион статистик таҳлили Б.А.Доспехов (1985), касалликларга қарши қўлланилган препаратларнинг биологик ва иқтисодий самарадорлиги Ш.Т.Ходжаев (2004) тавсия қилган усуллардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот натижалари**» деб номланган учинчи бобида помидорда учрайдиган асосий касалликларни қўзғатувчи замбуруғлар

ва замбуруғсимон организмнинг таксономияси, патогенларнинг ривожланиши ва морфологиясига озуқа муҳитлари, ҳаво ҳарорати, турли экологик шароитлар ва лаборатория шароитида касаллик кўзгатувчи замбуруғларга қарши фунгицидларнинг таъсирини ўрганиш ҳамда тупроқ намуналарини микологик таҳлил қилиш бўйича олинган натижалар келтирилган.

Помидорнинг касалланган аъзоларидан (барг, поя ва мева) фитофтороз, фузариоз, альтернариоз, кладоспориоз ва кулранг чириш каби касалликларни кўзгатувчи замбуруғлар лаборатория шароитида картошка декстрозали агар озуқа муҳитида ажратиб олинган, уларнинг тур таркибини аниқлаш бўйича илмий-изланишлар олиб борилган.

Илмий изланишларга кўра, помидор ўсимлигида касаллик кўзгатувчи 2 филум, 4 та синф, 5 та оила, 5 та туркумга оид, 5 та замбуруғ турлари микроскоп ёрдамида аниқланган.

Помидорнинг энг хавфли фитофтороз касаллигини Oomycota филуми, Oomycetes синфи, Pythiaceae оиласи, Phytophthora туркумига мансуб *P. infestans* замбуруғсимон организм тури кўзгатиши исботланган.

Ascomycota филумига мансуб Sordariomycetes синфи вакили фузариоз касаллигини, Dothideomycetes синфи вакили альтернариоз ва кладоспориозни, Ascomycetes синфига кирувчи тур эса кулранг чириш касаллигини кўзгатиши қайд этилган.

Фузариоз касаллигини Nectriaceae оиласи, Fusarium туркумига мансуб *F. oxysporum* f.sp. *lycopersici*, альтернариозни Pleosporaceae оиласи, Alternaria туркумига мансуб *A. solani*, кладоспориозни Cladosporiaceae оиласи, Cladosporium туркумига мансуб *C. fulvum* ва кулранг чиришни Moniliaceae оиласи, Botrytis туркумига мансуб *B. cinerea* турлари кўзгатиши аниқланган.

P. infestans, *F. oxysporum* f.sp. *lycopersici* ва *A. solani* замбуруғларининг ривожланиши ҳамда культураларининг ранги ўзгаришига оч агар, картошка сахарозали агар, картошка декстрозали агар ва Чапек озуқа муҳитлари таъсири ўрганилган.

Бунда *P. infestans* замбуруғи ОА озуқа муҳитида кучсиз, Чапек озуқасида эса ўртача даражада, КСА ва ҚДА озуқаларида кучли даражада ривожланган. ОА ва Чапек озуқа муҳитларида замбуруғ культураларининг ранги оқ, КСА ҳамда ҚДА озуқаларида оқ-сарғиш рангга ўзгарган.

F. oxysporum f.sp. *lycopersici* замбуруғи ҳам ОА озуқа муҳитида кучсиз, Чапек озуқасида эса ўртача даражада, КСА ва ҚДА озуқа муҳитларида кучли даражада ривожланган. Культураларининг ранги ОА ва Чапек озуқа муҳитларида оч-кулранг, КСА ҳамда ҚДА озуқаларида оқ, кейин тўқ-бинафшарангга ўзгарган.

Альтернариоз касаллигини кўзгатувчи *A. solani* замбуруғи эса ОА ва Чапек озуқа муҳитларида ўртача даражада, КСА ҳамда ҚДА озуқа муҳитларида кучли даражада ривожланган. Культуралари ОА ҳамда Чапек озуқаларида оч-кулранг бўлса, КСА ҳамда ҚДА озуқаларида улар олдин оч-кулранг, кейин тўқ-кулранг тусга ўзгариши аниқланган.

Помидорнинг зарарланган аъзоларидан лаборатория шароитида ажратиб олинган замбуруғлар картошка-декстрозали агар озуқа муҳитига экилиб, турли ҳаво ҳароратларида (5, 10, 15, 20, 25, 30 ва 35°C) термостатга қўйилди. Кузатувлар 14 кун мобайнида олиб борилган. Микроскоп остида замбуруғлар споралари ўсиши 5-кундан бошлаб қайд этилган (1-жадвал).

1-жадвал.

Касаллик қўзғатувчи замбуруғларнинг ривожланишига турли ҳаво ҳароратларининг таъсири. Лаборатория тажрибаси, 2018 й.

Касаллик қўзғатувчи замбуруғлар	Ҳарорат, + °C						
	5	10	15	20	25	30	35
<i>Phytophthora infestans</i>	+	++	+++	+++	+++	++	-
<i>Fusarium oxysporum</i> f.sp. <i>lycopersici</i>	-	+	++	+++	+++	++	-
<i>Alternaria solani</i>	-	+	++	+++	+++	++	-

Эслатма: – - ўсмади, + - кучсиз; ++ - ўртача; +++ - кучли.

Кузатув натижаларига кўра, фитофтороз касаллигини қўзғатувчи *P. infestans* замбуруғининг КДА озуқа муҳитидаги споралари 5°C ҳароратда ўсишни бошлаган, 15°C дан 25°C гача ҳароратда касалликни қўзғатувчи замбуруғнинг конидиялари оптимал ривожланган, 35°C ҳароратда замбуруғ споралари умуман ривожланмаган.

Фузариоз касаллигини қўзғатувчи *F. oxysporum* f.sp. *lycopersici* замбуруғининг КДА озуқа муҳитидаги макроконидиялари 20 ва 25°C ҳаво ҳароратида оптимал ривожланган, 15 ва 30°C ҳароратларда ўртача даражада, 10°C ҳароратда эса кучсиз даражада ўсган, 5 ва 35°C ҳароратларда замбуруғ споралари ўсмаган. Шунингдек, альтернариоз касаллигини қўзғатувчи *A. solani* замбуруғининг КДА озуқа муҳитидаги конидиялари 20-25°C ҳаво ҳароратларида оптимал ривожланган, 15 ва 30°C ҳароратларда ўртача даражада, 10°C ҳароратда эса кучсиз даражада ўсган, 5 ва 35°C ҳароратларда замбуруғ споралари умуман ривожланмаган.

Маълумки, ўсимлик касалликларига қарши кураш тадбирларини тўғри белгилаш учун касаллик қўзғатувчи замбуруғларнинг турли шароитларда яшовчанлигини (жумладан, кишлаши) ўрганиш талаб этилади.

Турли экологик шароитларда *P. infestans*, *F. oxysporum* f.sp. *lycopersici* ва *A. solani* замбуруғларининг яшовчанлигини ўрганиш мақсадида помидорнинг зарарланган барг, поя ва мевалари махсус сеткаларга солиниб, тупроқнинг устки қатламида ва тупроқ остида 20 см чуқурликда 100 кун муддатгача сақланган. Касаллик қўзғатувчи патогенларнинг яшовчанлик даражаси 30 ва 100 кундан сўнг аниқланган.

Бунда касалликларни кўзгатувчи замбуруғларни аниқлашда стрептомицилли картошка-декстрозали агар озука муҳитидан фойдаланилган.

Олинган натижаларга кўра, лаборатория шароитида помидорнинг зарарланган аъзоларида (поя, мева) касалликларни кўзгатувчи *P. Infestans* ва *A. solani* замбуруғлари 100 кунгача ўз яшовчанлигини йўқотмаган. (2-жадвал).

2-жадвал.

Турли экологик шароитларнинг касаллик кўзгатувчи замбуруғларнинг яшовчанлигига таъсири.

Касаллик кўзгатувчи замбуруғ	Зарарланган ўсимлик аъзолари	Замбуруғларнинг турли шароитларда яшовчанлиги			
		30 кундан сўнг		100 кундан сўнг	
		*а	*б	*а	*б
<i>Phytophthora infestans</i>	барг	+	+	-	-
	поя	+	+	+	+
	мева	+	+	+	+
<i>F. oxysporum</i> f.sp. <i>lycopersici</i>	барг	+	+	-	-
	поя	+	+	-	+
<i>Alternaria solani</i>	барг	+	+	-	-
	поя	+	+	+	+

Эслатма: + ўсиши; – ўсмади. *а–тупроқ устида; *б–тупроқ остида.

Табиий дала шароитида тупроқ устида 30 кун мобайнида сақланган барг, поя ва меваларда *P. infestans*, *F. oxysporum* f.sp. *lycopersici* ва *A. solani* замбуруғларининг ривожланиши кузатилган ва уларда патогенларнинг ўсиши текширилган. 100 кун муддатда сақланганда эса поя ва меваларда *P. infestans* ва пояда *A. solani* замбуруғлари ўсиши аниқланган.

Помидорнинг касалланган аъзолари тупроқ остида 20 см чуқурликда 100 кун сақланганда баргларда *P. infestans*, *F. oxysporum* f.sp. *lycopersici* ва *A. solani* замбуруғларининг яшовчанлик белгилари кузатилмаган. Касаллик кўзгатувчи *P. infestans* мева ва пояда ҳамда *F. oxysporum* f.sp. *lycopersici* ва *A. Solani* турлари пояда ўсиши аниқланган.

Помидорда фитофтороз, фузариоз ва альтернариоз касалликларини кўзгатувчи *P. infestans*, *F. oxysporum* f.sp. *lycopersici* ва *A. solani* замбуруғларига қарши янги фунгицидларнинг таъсирини ўрганиш мақсадида лаборатория шароитида картошка-декстрозали агар озука муҳити бўлган Петри ликобчаларда тадқиқотлар олиб борилган. Бунда патогенлар ўсишига фунгицидлар таъсири 3, 5, 7 ва 14 кун давомида қайд қилиб борилган.

P. infestans ва *F. oxysporum* f.sp. *lycopersici* турларига қарши 0,4% ли суспензияда манкоцеб+металаксил, 0,3% ли беномил ва 0,3% ли цимоксанил+мис хлороксида, *A. solani* патогенига қарши эса 0,1% ли

азоксистробин ва 0,3% ли цимоксанил+мис хлороксида фунгицидлари юқори натижани кўрсатган. Бу вариантларда патогенлар умуман ривожланмаган.

Помидорда фузариоз касаллигини кўзгатувчи *Fusarium* туркумига мансуб замбуруғларнинг тур таркибини ўрганиш мақсадида 2016 йилда тадқиқот олиб борилган майдонлардан шахмат усулида (5 та жой) тупроқ намуналари махсус идишларга олиниб, лаборатория шароитида микологик таҳлиллардан ўтказилган.

Таҳлил натижаларига кўра, тупроқ намуналаридан сапротроф замбуруғлардан асосан *Aspergillus* spp., *Penicillium* spp. ва *Mucor* sp. ҳамда факультатив паразитлардан *Fusarium* spp. замбуруғи ўсиб чиққанлиги аниқланган(3-жадвал) .

3-жадвал.

Тупроқ намуналарининг микологик таҳлили
(Ўсимликларни ҳимоя қилиш ИТИ лабораторияси).

2016 йил.

Тупроқ чуқурлиги, См	Ажратилган замбуруғлар ва колонияларининг сони, дона			
	<i>Aspergillus</i> spp.	<i>Penicillium</i> spp.	<i>Fusarium</i> spp.	<i>Mucor</i> spp.
0-10	13,3±23	21,4±12	3,2±21	0
10-20	8,8±3	8,0±56	2,2±45	0
20-30	15,6±12	15,4±34	1,3±31	1,23±11
Ўртача	12,46	14,93	2,06	0,33

Диссертациянинг «Помидор далаларида замбуруғлар кўзгатадиган касалликларнинг тарқалиш, навларнинг чидамлилиги ва уларга қарши фунгицидларнинг биологик самарадорлиги» деб номланган тўртинчи бобида помидорда учрайдиган асосий касалликларнинг тарқалиши, зарари ва айрим районлаштирилган помидор навларининг касалликларга чидамлилигини ўрганиш, касалликларга қарши бир нечта фунгицид синовдан ўтказилиб, қўллаш муддати ва меъёрлари белгилаб олинганлиги ҳамда ушбу препаратларнинг биологик самарадорлиги аниқланганлиги бўйича илмий-изланишлар олиб борилган.

Сўнги йилларда республикада баҳор ойларида об-ҳаво серёғин бўлиши натижасида айрим замбуруғлар кўзгатадиган касалликлар, жумладан фитофтороз, фузариоз ва альтернариоз касалликларининг пайдо бўлиши ҳамда кенг тарқалиши помидор далаларига кучли зарар етказмоқда.

Помидор экилган далаларда фитофтороз, фузариоз ва альтернариоз касалликларининг тарқалишини аниқлаш мақсадида 2018 - 2019 йилларда Андижон вилоятининг Андижон, Асака ва Балиқчи туманларидаги фермер хўжаликлари далаларида йўналишли кузатувлар олиб борилган.

Кузатув натижаларига кўра, 2018 - 2019 йилларда помидор далаларида фитофтороз касаллиги кенг тарқалган бўлиб, ҳисобга олинган баргларнинг сони жами 2250 дондан 2607 донагачани ташкил этган бўлса, фитофтороз белгилари мавжуд барглар сони 550 дондан 1352 донагача қайд этилган. Касалликнинг тарқалиши эса 21,0% дан 58,0% гача бўлган.


Шунингдек, помидор далаларида фузариоз касаллиги билан зарарланган ўсимликлар сони 100 та ўсимликда ўртача 4,7 донани ташкил этган. Ўрганилган майдонларда ўртача 4,7% гача фузариоз касаллиги тарқалганлиги аниқланган.

Ушбу далаларда 2018 йилда помидорнинг альтернариоз касаллиги 10,4% дан 22,3% гача, 2019 йили эса 11,3% дан 24,0% гача тарқалганлиги қайд этилган.

2017 - 2019 йилларда помидорнинг Барлос, ТМК-22, Султон F₁ ҳамда Ложайн F₁ нав ва дурагайларининг фитофтороз, фузариоз ва альтернариоз касалликларига чидамлилигини ўрганиш бўйича кузатувлар олиб борилган.

Кузатув натижаларига кўра, 2017 - 2018 йилларда помидор навлари 2019 йилга қараганда касалликлар билан камроқ зарарланганлиги аниқланган. Чунки, 2019 йили бошқа йилларга нисбатан йиллик ёғин миқдори кўп, ҳаво ҳарорати паст ва намлик юқори бўлганлиги сабабли касалликлар кенг тарқалган.

Бунда фитофтороз касаллиги билан помидорнинг Барлос ва Ложайн F₁ навларининг барглари 23,0% дан 30,0% гача, поялари 18,0% дан 24,0% гача ва мевалари 22,0% дан 26,0% гача зарарланган. Касалликнинг ривожланиши эса баргларда 10,5% дан 13,7% гача, пояларда 8,7% дан 10,2% гача ва меваларда 9,4% дан 12,5% гачани ташкил этган. Шунингдек, 2019 йилда помидорнинг Барлос ва Ложайн F₁ навларининг барглари 34,0% гача, поялари 27,0% гача ва мевалари 32,% гача фитофтороз касаллиги билан зарарланган бўлса, касалликнинг ривожланиши ўртача 15,8% гачани ташкил этган (1-расм).




1-расм. Помидор нав ва дурагайларини фитофтороз касаллигига чидамлилиги

Помидорнинг Барлос ва Ложайн F₁ навлари бошқа навларга нисбатан ўзининг толерантлигини намоён этган.

ТМК-22 ва Султон F₁ навлари эса фитофтороз касаллиги билан юқори даражада зарарланганлиги аниқланган. 2017 - 2019 йиллари ушбу навларда зарарланиш баргларда 35,0% дан 52,0% гача, пояларда 29,0% дан 43,0% гача ва меваларда 33,0% дан 77,0% гачани ташкил этган бўлса, касалликнинг ривожланиши 14,8% гача етган.

Помидорнинг Ложайн F₁ дурагайи эса фузариоз касаллигига чидамли бўлиб, 2019 йилда йиллик ёгин миқдори кўп, ҳаво ҳарорати паст ва намлик юқори бўлсада зарарланиш 14,0% ни, касалликнинг ривожланиши эса 5,5% ни ташкил этган.


Шунингдек, Барлос ва ТМК-22 навлари ҳам фузариоз касаллигига ўртача чидамлилигини кўрсатган. 2017 - 2019 йилларда зарарланиш 14,3% дан 29,0% гача, касаллик ривожини эса 6,5% дан 10,6% гачани ташкил этган (2-расм).



2-расм. Помидор нав ва дурагайларини фузариоз касаллигига чидамлилиги

Помидорнинг альтернариоз касаллигига Барлос ва Ложайн F₁ навлари бошқа навларга қараганда чидамлилиги билан ажралиб турган. Бунда 2017 - 2019 йилларда помидорнинг барг, поя ва меваларида зарарланиш 12,3% дан 21,7% гача етган бўлса, касалликнинг ривожланиши эса 6,1% дан 10,6% гачани ташкил этган .

Султон F₁ нави альтернариоз касаллигига ўртача чидамли бўлиб, 2017 - 2019 йилларда помидорнинг барг, поя ва мевалари 12,0% дан 32,3% гача зарарланган. Касалликнинг ривожланиши эса 6,1% дан 14,2% гача бўлган. ТМК-22 нави эса альтернариоз касаллигига чидамсизлик кўрсатган. 2017 - 2019 йилларда ушбу касаллик билан 32,7% дан 45,7% гача зарарланган бўлса, касалликнинг ривожланиши 24,5% гача бўлган (3-расм).



3-расм. Помидор нав ва дурагайларини альтернариоз касаллигига чидамлилиги

Ўсимлик касалликларига қарши курашда янги замонавий фунгицидларни қўллаш меъёри ва муддатларини белгилаш касалликлар миқдорини кескин камайтиришга имкон беради.

Помидорнинг фитофтороз, фузариоз ва альтернариоз касалликларига қарши фунгицидларнинг биологик самарадорлигини ўрганиш мақсадида 2017 - 2018 йилларда Андижон вилояти Асака тумани фермер хўжаликлари майдонида кичик ва 2019 йилда катта дала тажрибалари олиб борилган.

Тажрибаларда Гурзат н.кук. (2,0-3,0 кг/га), Ридомил Голд 68% с.д.г. (2,0-2,5 кг/га) Фунгоцеб Плюс 68% с.д.г. (2,0-2,5 кг/га), Превикур SL 722 с.э.к. (1,0-1,5 л/га), Шавит Ф 72% с.э.г. (2,0-2,5 кг/га), Браво 50% сус.к. (2,0-3,0 л/га) ва Фундазол 50% н.кук. (2,0-3,0 кг/га) фунгицидларининг ишчи эритмалари турли меъёрларда синовдан ўтказилган. Андоза сифатида Квадрис 25% сус.к. (0,6 л/га) танлаб олинган.

Олинган натижаларга кўра, помидорда учрайдиган фитофтороз ва альтернариоз касалликларига қарши Гурзат н.кук. (3,0 кг/га), Ридомил Голд 68% с.д.г. (2,5 кг/га), Фунгоцеб Плюс 68% с.д.г. (2,5 кг/га), Превикур SL 722 с.э.к. (1,5 л/га), Шавит Ф 72% с.э.г. (2,5 кг/га), Браво 50% сус.к. (3,0 л/га), Фундазол 50% н.кук. (3,0 кг/га) ва фузариозга Гурзат н.кук. (3,0 кг/га), Ридомил Голд 68% с.д.г. (2,5 кг/га), Фунгоцеб Плюс 68% с.д.г. (2,5 кг/га), Превикур SL 722 с.э.к. (1,5 л/га) ва Фундазол 50% н.кук. (3,0 кг/га) фунгицидлар қўлланилганда 85,2% дан 93,4% гача биологик самарадорликка эришилган.

Диссертациянинг «**Помидорни касалликлардан химоя қилишда қўлланилган препаратларнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги**» деб номланган олтинчи бобида помидор касалликларига қарши юқори самара берган фунгицидларнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Помидорнинг фитофтороз, фузариоз ва альтернариоз касалликларига қарши Гурзат н.кук. (3,0 кг/га) ва Фундазол 50% н.кук. (3,0 кг/га) фунгицидларининг иқтисодий самарадорлиги юқори бўлган. Бунда бир гектар майдонда сақлаб қолинган ҳосилдан иқтисодий самарадорлик 47,8 млн сўмдан 50 млн сўмгачани ташкил этган. Сарфланган бир сўм 4,5 мартагача оқланган.

Шунингдек, Ридомил Голд 68% с.д.г. (2,5 кг/га), Фунгоцеб Плюс 68% с.д.г. (2,5 кг/га), Превикур SL 722 с.э.к. (1,5 л/га), Шавит Ф 72% с.э.г. (2,5 кг/га) ва Браво 50% сус.к. (3,0 л/га) фунгицидлари қўлланилган вариантларда ҳам юқори самарадорликка эришилган. Бир гектар майдондан 154,0 ц дан 199 ц гача ҳосил касалликлардан сақлаб қолинган. Бир гектар майдонда ўртача 515,4 ц ни ташкил этган.

ХУЛОСАЛАР

1. Помидорда учрайдиган фитофтороз, фузариоз, альтернариоз, кладоспориоз ва кулранг чириш касалликларини 2 та филум, 4 та синф, 5 та оила, 5 та туркумга мансуб бўлган 5 та замбуруғ турлари қўзғатиши аниқланди.

2. Помидорнинг касалланган аъзоларидан (барг, поя ва мева) касалликларни қўзғатувчи *Phytophthora infestans*, *Fusarium oxysporum* f.sp.

lycopersici ва *Alternaria solani* замбуруғлари лаборатория шароитида тоза муҳитга ажратиб олиниб, уларнинг тур таркиби ўрганилди. Касалликларни кўзгатувчи *P. infestans* (15-25°C), *F. oxysporum* f.sp. *lycopersici* (20-25°C) ва *A. solani* (20-25°C) замбуруғлари спораларининг ўсиши ва ривожланиши учун кулай ҳароратлар аниқланди.

3. Тупроқ остида 20 см чуқурликда помидорнинг касалланган аъзолари 100 кун сақланганда *P. infestans*, *F. oxysporum* f.sp. *lycopersici* ва *A. solani* замбуруғларининг яшовчанлик белгилари баргларда кузатилмади, пояларда эса касаллик кўзгатувчи патогенлар ривожланди.

4. Тадқиқот ўтказилган жойларнинг тупроқ намуналари микологик таҳлилдан ўтказилганда асосан факультатив сапротроф замбуруғлардан *Aspergillus* spp., *Penicillium* spp., *Mucor* sp. ҳамда факультатив паразитлардан *Fusarium* sp. замбуруғлари ривожланиши кузатилди.

5. Лаборатория шароитида *P. infestans* ва *F. oxysporum* патогенларига қарши 0,4% ли суспензияда манкоцеб+металаксил, 0,3% ли беномил ва 0,3% ли цимоксанил+мис хлороксида, *A. solani* патогенига қарши эса 0,1% ли азоксистробин ва 0,3% ли цимоксанил+мис хлороксида фунгицидлари юқори натижани кўрсатди. Бу вариантларда патогенлар умуман ривожланмади.

6. Помидор ўсимлигида учрайдиган фитофтороз, фузариоз ва альтернариоз касалликларининг тарқалиши, ривожланиши ва зарари аниқланди. Бунда фитофтороз касаллигининг тарқалиши 21,0% дан 57,9% гача, фузариоз 5,7% дан 7,3% гача ва альтернариоз 10,4% дан 24,0% гачани ташкил этди.

7. Районлаштирилган помидор навларидан Барлос ва Ложайн F₁ фитофтороз ва альтернариоз касалликларига ҳамда “Ложайн F₁” фузариозга чидамлик (толерантлик) намоён этди.

8. Фитофтороз, фузариоз ва альтернариоз касалликларига қарши Гурзат н.кук. (3,0 кг/га) ва Фундазол 50% н.кук. (3,0 кг/га) фунгицидларининг иқтисодий самарадорлиги юқори бўлди. Ушбу вариантларда бир гектар майдонда мос равишда 239 ц дан 250 ц гача ҳосил касалликлардан сақлаб қолинди. Бунда бир гектар майдонда сақлаб қолинган ҳосилдан иқтисодий самарадорлик 47,8 млн сўмдан 50 млн сўмгачани ташкил этди. Сарфланган бир сўм 4,5 мартагача оқланди.

9. Помидорнинг фитофтороз ва альтернариоз касалликларига қарши Гурзат н.кук. (3,0 кг/га), Ридомил Голд МЦ 68% с.д.г. (2,5 кг/га), Фунгоцеб Плюс 68% с.д.г. (2,5 кг/га), Превикур SL 722 с.э.к. (1,5 л/га), Шавит Ф72% с.э.г. (2,5 кг/га), Браво 50% сус.к. (3,0 л/га), Фундазол 50% н.кук. (3,0 кг/га) ва фузариозга Гурзат н.кук. (3,0 кг/га), Ридомил Голд МЦ 68% с.д.г. (2,5 кг/га), Фунгоцеб Плюс 68% с.д.г. (2,5 кг/га), Превикур SL 722 с.э.к. (1,5 л/га) ва Фундазол 50% н.кук. (3,0 кг/га) фунгицидларидан бирини вегетация давомида 3 мартаба; ўсимликларда касаллик белгилари пайдо бўлганда (1 ва 2-кимёвий ишловдан 14 кундан кейин) 600 л/га ишчи эритма ҳисобида қўллаш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АНДИЖАНСКИЙ ИНСТИТУТ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ**

**АНДИЖАНСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА И
АГРОТЕХНОЛОГИИ**

ОМОНОВА НАРГИЗА МАХМУДЖОНОВНА

**ГРИБНЫЕ БОЛЕЗНИ ТОМАТА И УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕР
БОРЬБЫ С НИМИ**

06.01.09–Защита растений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

АНДИЖАН – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.1.PhD/Qx719

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.andqxai.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

- Научный руководитель:** **Бойжигитов Фозил Мухаммадиевич**
кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник
- Официальные оппоненты:** **Холмуродов Эркин Авазович**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор
- Рахматов Асрор Ахрорович**
кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник
- Ведущая организация:** **Научно-исследовательский институт овоще-бахчевых культур и картофеля**

Защита диссертации состоится 23 11 2021 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 при Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологии. (Адрес: 170600, г. Андижан, ул. Олийгох, дом-1. Тел.: (+99874) 373-10-54; факс: (+99874) 373-13-63; e-mail: agai_info@edu.uz Административное здание Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологии, 1-этаж, зал заседаний).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологии (зарегистрирована под номером №9. (Адрес: 170600, г. Андижан, ул. Олийгох, дом-1., Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологии, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99874) 373-10-54).

Автореферат диссертации разослан 10 11 2021 года.

(реестр протокола рассылки номер 9 от 10 11 2021 года).




А. Исашов,
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.н., профессор.


С.О. Абдурахмонов,
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.н., профессор и о.


К.С. Комилов,
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, к.д.с.х.н., доцент.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Постоянное увеличение населения мира и спроса на продовольствие ставит задачу дальнейшего расширения площадей под сельскохозяйственными культурами и бесперебойного обеспечения людей высококачественными продуктами питания. “На сегодняшний день в мире томат выращивают на площади 5,6 млн га, а валовый урожай его плодов составляет 281,5 млн тонн”¹. В нашей республике запланировано в текущем году выращивать томаты на общей площади в 75,5 тыс. га и получить 1,8 млн тонн плодов.

В выращивании томата и экспорте его плодов ведущие места в мире занимают США, Россия, Турция и Франция; высокие показатели в этом показывают также такие страны Азии, как Китай, Индия и Узбекистан. “В то же время при сильном распространении одной из основных и самых опасных болезней томата – фитофтороза, при не применении мер борьбы с ним, теряется более 80%, а иногда и 100% урожая его плодов. Это заболевание поражает все органы растений томата – и вегетативные, и генеративные”². При выращивании томатов, для повышения их урожайности и улучшения их качества, проведение исследований по такому приоритетному направлению, как совершенствование мер борьбы против таких болезней, как фитофтороз, фузариоз и альтернариоз, на основании изучения биоэкологических свойств их возбудителей, считается одной из актуальных задач во всех регионах мира.

Изучение грибных болезней овощных культур, в том числе томатов, площади под которым в республике расширяются и принимаются меры по увеличению их урожайности, требует особого внимания. Это связано тем, что, согласно Указа Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «...целенаправленное развитие сельского хозяйства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистых продуктов, сокращение площадей под хлопчатником и зерновыми культурами, выращивание на высвобождённых землях овощных и других сельскохозяйственных культур, создание и внедрение в производство новых селекционных сортов, устойчивых к болезням, адаптированных к местным почвенно-климатическим и экологическим условиям» считаются важными стратегическими задачами.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан под №ПП-4709 от 11 мая 2020 года « О дополнительных мерах по специализации регионов республики на производство сельскохозяйственной продукции», которое предусматривает

¹<http://www.fao.org/faostat>

